*Фермерларни истиқлолимизнинг илк қалдирғочларига қиёслашади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки қалдирғочлар хонадонга ризқ-рўз, қут-барака олиб келади. Тадбиркор инсон ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ҳозирда мамлакатимиз аҳолиси истеъмол қилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қарийб 60 фоизи ана шундай тадбиркор ҳамюртларимиз томонидан етиштирилаётганлиги ҳам бу фикрнинг яққол исботидир. Энг муҳими, истиқлолнинг эркинлик сиёсати шарофати билан тадбиркорлик фаолияти ривожи учун кенг кўламли шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилганига ҳар биримиз гувоҳмиз.*

*Табиийки, яратиб берилаётган бундай шарт-шароит ва имконият жойларда фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиги ва тадбиркорларнинг ғайратига ғайрат қўшиб қолмай, эртанги кунга мустаҳкам ишонч уйғотмоқда.*

Diqqat: muammo

# ИШТИХОНЧА “СИЙЛОВ”

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, янгилик ҳеч қачон ҳаётда осонлик билан қарор топмайди. Шу маънода баъзи бир раҳбарларнинг ҳамон эскича фикрлаши оқибатида деҳқонни ташвишлантираётган, уни яна ҳам самаралироқ фаолият кўрсатиши учун тўсиқ бўлаётган айрим муаммоли масалаларни ҳал этишда эскича маъмурий буйруқбозлик усули қўлланиб келинмоқда. Натижада фермер ва тадбиркорларнинг ҳар дақиқаси олтинга тенг вақтларини беҳуда ўтказиб, аро йўлда сарсон бўлиб юришга мажбур бўлишмоқда.

Иштихон тумани фермер хўжаликлари сони кўплиги жиҳатидан Самарқанд вилоятида етакчи ўринни эгаллайди. Фермер хўжаликлари 2001-2002 хўжалик йилида 6294 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар пахта майдонидан режадаги 27 центнер ўрнига 28 центнердан, жами 10380 тонна пахта, ғалладан эса режадаги 26 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил олишди. Тумандаги “Сардор Саноқулов”, “Шомирхон”, “Ф.Шодиев”, “Дўсмонбобо”, “Зулфиқор”, “Ойбек Ҳамидов”, “О.Абдураззоқов”, “Бектош” ва “Лочин” сингари деҳқон-фермер хўжаликлари ўзларига бириктирилган пахта майдонининг ҳар гектаридан 30-35 центнердан ҳосил олишди.

Албатта, деҳқон ҳеч қачон ўзининг меҳнати самарасиз кечишини хоҳламайди. Унга эркинлик берилса, меҳнат қилиш шароити яхшиланса, энг муҳими, меҳнатига ҳақ тўлашда алданмаса, ўз сўзининг устидан чиқади. У ер шароитига қараб тер тўкади. Бола-чақасининг ризқ-рўзини яратади. У яратган маҳсулотдан бошқалар ҳам баҳраманд бўлади. Аммо биз юқорида номларини тилга олган фермерлар меҳнат шартномасида кўрсатилган миқдордан ортиқ етиштирилган ҳосили учун давлатга сотиш нархларида тўлалигича ҳақ олиниши таъкидланганига қарамай Акциядорлик “Савдогарбанк”нинг Иштихон туман бўлими томонидан ўз меҳнати ва топширилган ҳосил эвазига тўланиши лозим бўлган 80 фоиз пулларининг бирор сўмини ҳам олишолмади.

Хўш, бунинг сабаби нима билан изоҳланади?

— Қишлоқда деҳқонга кўрсатма бериш, ҳадеб уларнинг ишига аралашавериш шарт эмас, — дейди тумандаги “Уч қаҳрамон” ширкат хўжалиги тасарруфида фаолият кўрсатаётган “Шомирхон” деҳқон фермер хўжалигининг раиси Лутфуллахон Маллаев. — Уларнинг меҳнат қилиши учун етарли шарт-шароит яратиб бериш керак, холос. Деҳқон учун техника юриб турса, сув, ўғит билан вақтида таъминланса, бас — қолган ишни ўз маромига етказиб қўяди. 10 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Шундан 5 гектари пахта, ҳар йили зиммамизга олган режа топшириқни ошиғи билан уддалаб келаяпмиз. Бу йилги деҳқончилигимиз ҳам ёмон бўлмади. Пахтадан режада белгиланган 15 тонна 600 килограмм ўрнига 21 тонна 900 килограмм ҳосил топшириб, йилни 2,5 миллион сўмга яқин соф фойда билан якунладик. Лекин меҳнат ҳақини олишга келганда турли ғовларга дуч келаяпмиз. “Савдогарбанк”нинг туман бўлими бошқарувчиси Дўстмурод Бобоёровга пулимизни сўраб борсак, у бизга «юқоридан буйруқ бор, схема билан бўлиб юбораяпмиз. Сизларга берадиган пулимиз йўқ”, деб жавоб беради. Аслида жами хомашё харид нархининг 50 фоиз миқдоридаги бўнак пули шартнома тузилган кундан бошлаб бериб борилиши, ҳосил заводга тўла миқдорда етказилгач, жами топширилган ҳосил маблағининг 80 фоизи, қолган 20 фоизи эса хомашё қайта ишланиб тола сотилганидан сўнг фермерларга берилиши керак эмасми? Лекин ҳеч бир қарзимиз бўлмаса-да, бу пуллар бизларга берилмай, туман машина трактор парки, химия бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳисоб рақамига ўтказиб юборилмоқда. Ахир, даласида меҳнат қилган ишчисининг меҳнат ҳақини вақтида тўлай олмайдиган фермернинг ерида эртага ким ҳам “савоб” учун ишлайди?!

Бу-ку, бор гап. Бундан ташқари, шу каби ҳақли эътирозларни тумандаги бошқа фермер хўжаликлари раҳбарларидан ҳам эшитиш мумкин. Ваҳоланки, **“Фермер хўжалиги тўғрисида”**ги Қонуннинг 17-моддасида фермер хўжалиги бошлиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида умумий кўрсатма мавжуд бўлиб, унда жумладан, шундай қайд этилган:

***— устав доирасида фермер хўжалиги ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил ташкил этиш;***

***— етиштирилган маҳсулотга мустақил нарх белгилаш;***

***— ўзи етиштирган маҳсулотни ўз хоҳиши бўйича реализация қилиш;***

***— тадбиркорликдан қонун ҳужжатларидан белгиланган тартибда солиқ солинадиган чекланмаган миқдорда даромад фойда олиш;***

***— бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан турли шартномалар ва битимлар тузиш;***

***— ходимларни ишга ёллаш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш.***

Наҳотки, “Савдогарбанк”нинг туман бўлими масъул раҳбарлари ёки бу ишга бевосита жавобгар туман раҳбарлари қонуннинг бу талабидан бехабар бўлишса?! **“Банк тузилишини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Президент Фармонининг 6-ҳамда 10-моддаларида кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, улар мушкулини осон қилмаган бўлса?

Ҳа, улар қонунни била туриб, фермерларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилмоқда. Ахир, бундай муносабат туфайли фермерларнинг умидларини йўққа чиқараяпмиз-ку! Шуни очиқ айтиш кераккি, уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган бундай муаммоли масалаларни ҳал этишда туман Деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг ёрдами ва ташаббускорлиги сезилмаётир. Уюшма зиммасига катта вазифалар юкланган. Улар уюшма аъзолари бўлган хўжаликларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатишлари лозим. Қурилиш материаллари, иш қуроллари, уруғлик, ўғит, техника воситалари харид қилишда кўмаклашишлари зарур.

Тўғри, кўпроқ маҳсулот етиштириш, фойда олиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун фермер хўжалиги раҳбарларининг ўзлари қайғуришлари керак. Бу уларни ўз хоҳишига ташлаб қўйиш керак, деган маънони билдирмайди, албатта. Президентимиз Фармонида таъкидланганидек, **таъминот ташкилотлари уларга ҳар томонлама ёрдам қўлини чўзишлари талаб этилади**. Корхоналар ихчам иш қуроллари, кичик техника воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари, ветеринария, химия,агрохимия, наслчилик, уруғчилик ишлари бўйича ўзларининг пуллик хизматларини таклиф этишлари лозим. Афсуски, туманда бу ишларнинг бирортаси ҳам амалга ошмаяпти.

Мақола бошида таъкидланганидек, фермерларнинг янада эркин фаолият кўрсатиши, эл-юртга нафи тегадиган ишларни амалга ошириш учун уларга иқтисодий-маъмурий эркинлик берилиши лозим. Ана шундагина мўл-кўлчиликни таъминловчи ушбу ишлаб чиқариш усули ўзини тўлиқ оқлайди. Иштихон тумани мисолида баён этилган камчиликлардан ана шундай хулосага келиш мумкин.

**Рўзимурод ТУРСУНОВ,**
**журналист**




---

*Андижон шаҳридаги “Сухроббек” хусусий фирмаси раҳбари Хосиятхон Аҳмедова “Турон” акционерлик тижорат банкининг вилоятдаги шоҳобчасига ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 5 миллион сўм кредит сўраб мурожаат қилди. Тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаган банк 2001 йил 4 декабр куни тузилган шартномага асосан кредит ажратди.*

Ajab savdolar



# СУИИСТЕЪМОЛ БЎЛГАН ИШОНЧ

## гаровга қўйилган ҳовли нега сотилди?

Тадбиркор олинган кредитни ойма-ой 2,5 фоиз, йилига 30 фоиз тўлаб, 2002 йил 17 сентябр куни кредитни қайтаришни ўз зиммасига олди. Банк ўзи томонидан шартномани ўз вақтида бажариб, тадбиркорнинг ҳисоб рақамига 5 миллион сўм маблағни дарҳол ўтказиб берди.

Бу кредитни олишда фирма раҳбари Хосиятхон Аҳмедова томонидан Андижон шаҳрида яшовчи дугонаси Патилахон Абдуллаевага тегишли бўлган Олтинкўл тумани, Жалабек қишлоқ фуқаролар йиғини, Далварзин маҳалласидаги ҳовли-жой унинг ўз розилиги ва далолатнома асосида 6 миллион 250 минг сўмга баҳоланиб, гаровга қўйилди.

Бу ҳақда Олтинкўл туман Давлат нотариуси Тўлқин Холматов орқали гепотека шартномаси тузилди. Ушбу шартноманинг 2-бандига асосан кредит ва гепотека шартнома муддати 2001 йил 17 декабр кунидан 2002 йил 17 сентябр кунигача белгиланди. Ва уй эгаси Патилахон Абдуллаева розилиги асосида гаровга қўйилган бу уйга таъқиқ солиниб, реестрга 2131 рақами билан қайд этилди.

Буни қарангки, Патилахон Абдуллаева ҳам жуда “сахий” чиқиб қолди. У 2002 йил 21 январ куни Андижон шаҳар 3-сон нотариал идораси орқали Равшан Султоновга ушбу гаровга қўйилган уйни сотиш ҳуқуқини берувчи ишончномани уч ой муддатга бериб юборади. Ўз навбатида Равшанбой ҳам қараб турмайди, у ана шу ишончнома асосида 2002 йил 20 апрел куни гаровдаги уйни ўз укаси Ойбек Султоновга сотиб юборади.

Энг қизиғи шундаки, улар ўртасидаги 864 минг 740 сўмга тузилган олди-сотди шартномасини энди Балиқчи туман давлат нотариуси бўлиб ишлаётган Тўлқин Холматов тасдиқлаб беради.

Хўш, буёғи неча пулдан тушди?!.

Нотариус Тўлқин Холматов Олтинкўл тумани нотариал идорасида ўзи таъқиққа олган гаровдаги уй-жойни олди-сотди шартномасини яна ўзи тасдиқлаб беради.

Бу ҳуқуқий саводсизликми ёки қонунни билиб туриб менсимасликми? Ёки нотариус жанобларининг бу уй-жойни ўзи “таъқиққа” олганлиги эсидан чиқиб қолдимикин?!

Гаровга қўйилган уй-жой нотариуснинг “эътиборсизлиги” билан сотилиб ҳам кетибди, кредитнинг ўзи нима бўлди, деб сўрарсиз.

Ҳамма гап шундаки, кредитни олган тадбиркор Хосиятхон Аҳмедова ўша бўйи қорасини кўрсатмади. Ҳадемай қарзни қайтариш муддати ҳам етиб келди. Аммо ундан дарак йўқ. Тоқати тоқ бўлган “Турон” банкнинг Андижон филиали ходимлари фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судига мурожаат қилишди. Суд қарорига кўра, гаровдаги уй-жойнинг олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас, деб топилди ва бекор қилинди.

Энди “Сухроббек” хусусий фирмаси олган 5 миллион сўм асосий қарз ва унинг фоизи 554 минг 166 сўм маблағни ундириш гаровга қўйилган Патилахон Абдуллаеванинг юқорида зикр этилган Далварзин маҳалласида жойлашган уй-жойга қаратилди. Ва бу уй-жой “Турон” банк ҳисобига ўтди.

Мавжуд қонунга кўра, субутсиз тадбиркор Хосиятхон Аҳмедова давлат фойдасига 1 миллион 110 минг 833 сўм бож тўлайдиган бўлди. Жавобгарлар — Патила Абдуллаева, Равшан ва Ойбек Султоновлар ҳамда Тўлқин Холматовларнинг ҳар биридан давлат фойдасига 42337 сўмдан давлат божи ундирилди. Ҳозирда Балиқчи туман давлат нотариуси бўлиб ишлаётган Тўлқинжон Холматовга нисбатан хусусий ажрим чиқарилди.

Асосий “қаҳрамон” — кредит олувчи Хосиятхон Аҳмедова тегишли тартибда бир неча марта чақирилган бўлса-да, судга ҳеч қандай сабабсиз келмади. Суд унга нисбатан Фуқаролик процессуал Кодекснинг 224-моддаси 2-қисмига кўра, сиртдан ҳал қилув қарори чиқарди. Айтишларича, у кредитни олгану олисларга сафарга кетворган. Гаровга қўйилган уй-жойни ноқонуний сотилишига ҳам у сабабчи бўлган эмиш. Чунки у Равшанбек Султоновдан ҳам 3 миллион сўм қарз олган. Қарз эвазига гаровдаги уйни сотиб юборган. Нотариус Тўлқинжон Холматов эса ўзи «таъқиқнома» қўйган уй-жойнинг олди-сотдисини тасдиқлаб берган. Ишончни суиистеъмол қилиш, деб шунга айтсалар керак-да!

Сиз бунга нима дейсиз, ҳурматли газетхон?!.

**Аъзамжон ЮСУПОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

---

Bugunning gapi

# ҲАЛОЛ МЕҲНАТ

## У ҲЕЧ ҚАЧОН ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

Ўтган йили Нуробод туманидаги “Жом” ширкат хўжалигида ариқ қазишга эҳтиёж туғилди. Хўжалик аъзоси Насрулло Худоёровнинг “Т-4” русумли шахсий трактори бор эди. Н.Худоёров ва ширкат хўжалиги бошқаруви ўртасида ички хўжалик шартномаси тузилади. Расмийлаштирилган шартномага кўра, Н.Худоёров оз эмас, кўп эмас, 26 минг 930 метр ариқ қазиши, хўжалик бажарилган ишнинг ҳар бир метри учун унга 80 сўмдан, жами 2 миллион 154 минг 400 сўм тўлаши лозим эди.

Насрулло ишга сидқидилдан киришди. Тракторида ариқни қазиб тугатгач, хўжалик мутасаддилари билан биргаликда унинг узунлигини ўлчаб далолатнома тузишди, 21 минг 90 метр узунликда ариқ қазилган экан. Унинг ҳар бир метрига 80 сўмдан хизмат ҳақи тўланса, Н.Худоёровга 1 миллион 687 минг 200 сўм берилиши керак.

Бироқ хизмат ҳақини тўлашга қолганда хўжалик раҳбарларига малол келди. Хўжалик томонидан шартноманинг 2.1. банди шартлари бузилди. Н.Худоёровга қазиган ариғининг метрига 80 сўм ўрнига 50 сўмдан хизмат ҳақи тўладилар. Шартномада кўрсатилганидан 632 минг 700 сўм тўланмай қолди. Хизмати ёқади, ҳақи чақади, деб шуни айтсалар керак-да!

Насрулло ўзининг шахсий тракторида иш бажарди. Техника воситаларига эҳтиёт қисмлар тақчил. Иккинчи томондан, уларни сотиб олиш учун пул керак. Шартномада кўрсатилган шартнинг устидан чиқилмаса, одамга оғир ботаркан. У хизмат ҳақини сўраб хўжалик идорасига, бошқарув раҳбарлари ҳузурига жуда кўп қатнади. Раҳбарлардан эса, садо чиқмасди. Шундан сўнг Насрулло хизмат ҳақини олишда ёрдам сўраб юқори ташкилотларга қатнади. Азият чекди, қадр-қимматига путур етди, маънавий зарар кўрди.

Тоқати тоқ бўлган Н.Худоёров Самарқанд вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Адлия бошқармаси “Жом” ширкат хўжалиги ҳисобидан фуқаро Н.Худоёровга 632 минг 700 сўм хизмат ҳақи, хўжалик раҳбари О.Бегимовдан етказилган 100 минг сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида судга даъво аризасини киритди.

Яқинда суднинг ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилди. Шахсий трактори билан хўжаликнинг оғирини енгил қилган Н.Худоёровга хизмат ҳақи тўлиқ ундириб олиб берилди.

**Алишер ҲАМРОЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

---

Qonun dastagi

# НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВ

## У ФАРҒОНАЛИК ДЎХТИРНИ МУЛЗАМ ҚИЛИБ ҚЎЙДИ

Ҳар қандай текширишнинг ўзига хос ёзилган ва ёзилмаган қонун-қоидалари борлигини ҳамма билади. Фурқат туман Давлат санитария эпидемиология назорат ходими А.Қосимов тумандаги 24-сонли дўкончага текширишга борганда, ана шу ақидага амал қилди. У дастлаб текшириш давомида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан далолатнома тузди. Унда дўкон мудири томонидан санитария қоидалари бузилганлигига алоҳида урғу берилди. Хуллас, 2001 йилнинг 15 март кунида тузилган мазкур далолатномага асосланиб, Фурқат туман давлат санитария эпидемиология назорат маркази бош врачи 2002 йилнинг 19 март куни 17-сонли қарорига имзо чекади.

Хўш, бош врач Т.Худойбердиев имзо қўйиб, тасдиқлаган ҳужжатнинг мазмуни нималардан иборат эди?

Ўша ҳужжатда шундай жумлалар битилган эди: “Туман матлубот савдо бирлашмасига қарашли 24-сонли дўкон мудири Ш.Хушвақтов дўкон фаолиятидаги жиддий нуқсон ва хатоликлар учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 53-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортилади. Унга нисбатан 2500 сўм миқдорда жарима белгиланади”.

Бир қарашда, ҳаммаси рисоладагидек туюлади. Нега деганда, дўконнинг ҳолати санитария талабларига жавоб бермаслиги мумкин. Бунинг учун дўкондор жаримага тортилиши кундек равшан. Аммо шу ўринда яна бир гап. Текширувчи, яъни туман давлат санитария эпидемиология назорат маркази ходими текширишни қонун бўйича амалга оширдими? Дўкондорнинг мурожаатидан сўнг бу саволга вилоят адлия бошқармасининг мутахассислари ҳам жавоб излаб кўришди.

Маълум бўлишича, мазкур субъектни текшириш туман Давлат санитария эпидемиология назорат марказининг 2001 йил 1-чораги учун назорат текширишлар ўтказиш учун Фарғона вилоят мувофиқлаштириш ҳудудий комиссиясига тақдим қилинган буюртмасида кўрсатилган бўлса-да, ҳудудий комиссия томонидан тасдиқлаб берилмаган экан.

Давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг ходимлари бу ҳаракатлари билан **“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини Давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”**ги **Қонуннинг 7-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши тўғрисида”**ги Низомнинг 5.5-банди талабларини қўпол равишда бузишган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябр куни чиқарилган 496-сонли қарорининг 1-иловаси 2.1-бандида юридик шахсларнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириш учун асос бўлиб ҳисобланадиган ҳужжатлар номи кўрсатилган.

Туман давлат санитария эпидемиология назорат марказининг ходими ана шу қарорга ҳам зид равишда туман матлубот савдо бирлашмасига қарашли 24-дўконда текшириш ўтказган.

Вилоят адлия бошқармаси тадбиркор Ш.Хушвақтовнинг манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туман судига даъво аризаси киритди. Б.Раҳмонов раислигида бўлиб ўтган суд жараёни мазкур ишни батафсил ўрганди.

— Моддий зарар, — дейди судда даъвогарнинг вакили М.Обидов, — туман давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг бош врачи Т. Худойбердиевнинг 2002 йил 4 май кунидаги 49-сонли буйруғига биноан тадбиркор Ш. Хушвақтовга қайтарилди. Аммо тадбиркор маънавий жиҳатдан анча тушкунликка тушди. Оқибатда у ҳар жиҳатдан зарар кўрди.

Суд масаланинг шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратди ва тадбиркор Ш. Хушвақтов фойдасига жавобгарлар — А. Қосимов, Т. Худойбердиевлардан катта миқдорда маънавий зарарни солидар тартибда ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Шунингдек жавобгарлар солидар тартибда давлат божи ҳам тўлайдиган бўлишди. Баён этилган воқеа фуқароларимиз онгида ҳуқуқий саводхонлик даражасининг кун сайин ортиб бораётгани билан аҳамиятлидир. Зеро, қонунни билган, унга амал қилган киши ҳеч қачон ютқазмайди. Бунинг аксича иш тутганлар эса мулзам бўлиб қолишлари шубҳасиз.

**Маҳмуджон ТОЖИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

---

Ijro amaliyoti

# СОЛИҚДАН ҚОЧИШНИНГ ОҚИБАТИ

Бугунги кунда мамлакатимизда солиққа оид жиноятлар ва қонун бузилишларининг олдини олиш ҳамда уни бартараф этишнинг аниқ чора-тадбирлари белгилаб олинди. Бу муҳим вазифа Республика Бош Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва унинг вилоятлардаги бошқарма ҳамда бўлимлари зиммасига юклатилган. Айтиш жоизки, бундан кўзланган мақсаднинг қамрови анчайин кенг. Жумладан, республика ва маҳаллий бюджетга кўпроқ маблағ тушириш, солиқ тўловчилар сонини ошириш, нақд пул маблағларининг муомалада бўлиши белгиланган тартиб бузилишларининг олдини олиш, солиқ тўлашдан бош тортиш, яширин иқтисодиётни шакллантириш йўллари, коррупция ҳолатларини аниқлаш, одамларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, солиқ соҳасидаги жиноятлар учун жазонинг муқаррарлигини тушунтириш асосий вазифа саналади.

Қашқадарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси томонидан ўтган йил мобайнида иқтисодиёт ва солиқ соҳасида жами 971 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, 120 дан ортиқ жиноий ишлар очилди. Натижада ҳуқуқбузарлардан 52 миллион 868 минг сўмлик моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Шунингдек, 851 та содир этилган ҳуқуқбузарлик оқибатида 942 нафар шахсга нисбатан 14 миллион 923,1 минг сўмлик маъмурий жарима қўлланилиб, 28 миллион 865 минг сўмлик моддий бойлик йиғиб олинди. 3 миллион 654 минг сўмлик моддий бойликлар эса суд қарорлари билан давлат ихтиёрига мусодара қилинди. Давлат бюджетига етказилган зарар ва қўлланилган молиявий жарима суммасидан 1 миллиард 409 млн. 991 минг сўми давлат бюджетига ундириб олинди. Тезкор тадбирлар натижасида ноқонуний равишда пахта ёғи, турли озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарган 53 та яширин цехлар фаолияти фош этилиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Лекин бу мазкур вилоятда сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқараётган яширин, ноқонуний цехлар батамом тугатилди, дегани эмас. Бунинг учун маҳалла фаоллари, ўзи ва ўзгалар ҳаётига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро ноқонуний ҳаракатларни фош этишда ёрдам беришлари зарур. Халқона ибора билан айтганда, сохта тадбиркор дарахт шохида юрса, ҳуқуқ идораси ходими унинг баргида юриши лозим. Бундан ташқари, бошқарманинг ўз манбалари бўлиб, ҳар чоракда корхона фирмаларнинг давлат солиқ инспекцияларига топширадиган баланслари билан танишилади. Уларнинг бюджет билан ҳисоб-китобларини банклар орқали қандай амалга оширишлари текширилади. Айни шундай ҳаражат самараси ўлароқ, ўтган давр мобайнида вилоятда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлардан давлат бюджетига 60 миллион сўмдан ортиқ қўшимча ҳисобланган солиқ ва молиявий жарималар ҳамда бюджетга етказилган зарардан 25 миллион сўмлик маблағлар ва 6 миллиард сўмга яқин боқиманда қарзлар ундириб олинди.

Вазирлар Маҳкамасининг **“Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида”**ги қарори ижроси юзасидан Давлат божхона идоралари билан ҳамкорликда олиб борилган тадбирлар натижасида ҳам ҳуқуқбузарларга нисбатан 126 та маъмурий, 13 та жиноий иш қўзғатилди. Ўз навбатида улардан 34 миллион 776,1 минг сўмлик моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Давлат бюджетига 8,1 миллион сўм ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий-тарғибот соҳасидаги ҳар қандай иш қатъий режа асосида мунтазам давом эттирилиши лозим. Зеро, мамлакатимизнинг иқтисодиёт ва солиқ сиёсати ҳамда бу тўғрида қабул қилинган қарор ва қонунлар моҳияти ҳар бир фуқаро онгида етарли тарзда шаклланмас экан, мақсадга эришиш мураккаблашиши турган гап.

**Рустам АЛИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**

---

Adliya tizimi

# АНДИЖОН

**Вилоят адлия бошқармасида 4 та шаҳар ва 14 та туман (жами 18 та) ФХДЁ бўлимлари ва уларнинг назорати остида 91 та ўзини-ўзи бошқариш қишлоқ фуқаролари йиғинларида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш қайд этилмоқда.**

**Вилоятнинг туман, шаҳар ФХДЁ бўлимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 46429 та туғилиш, 14101 та никоҳ, 475 та никоҳни бекор қилиш, 11715 та ўлим, 5790 та оталикни белгилаш, 253 та фарзандликка олиш, 227 та насаб, исм ва ота исмини алмаштириш, 58 та далолатнома ёзувларини тиклаш ва 1106 та далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш, қўшимча қилиш ҳаракатлари бажарилган.**

**Бажарилган ишлар учун фуқаролардан давлат фойдасига 22066126 сўм давлат божи, 14796642 сўм герб йиғими ундирилди ва 23844668 сўмлик фуқароларга пуллик ҳуқуқий хизмат кўрсатилди. 2002 йилда оталикни белгилаш 216 тага кўпайган. Никоҳ 100 тага, ажралиш 18 тага камайган. Никоҳга нисбатан ажралиш 3,3 фоизни ташкил этган, 2002 йилда ёшни қисқартириб никоҳ қилиш ҳолати бўлмаган. Бундан ташқари 6300000 сўмлик давлат божи, 4612191 сўмлик герб йиғими кўп ундирилиб, аҳолига 6774686 сўмдан ортиқ пуллик ҳуқуқий хизматлар кўрсатилди.**

